

---

Камбағалликни қисқартиришда фаол нурунийлар ҳам ҳисса қўшади  
Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 25 ноябр кунги "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастурини амалга оширишга фаол нурунийларни жалб этиш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-405 сонли қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, маҳаллаларда катта ҳаётий тажрибага эга бўлган обрў-эътиборли уч нафар фаол нурунийни бешта камбағал оилага бириктириш орқали уларни камбағалликдан чиқаришга кўмаклашиш ҳамда маҳаллада соғлом турмуш тарзи ва ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга жалб этилади.

Бугун Ўзбекистон тумани ҳокимлигида туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев, "Нуруний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Зокиржон Раҳмонов ва бир гуруҳ фаол нурунийлар иштирокида ўтказилган учрашувда Президентимизнинг айна қарори мазмун-моҳияти ҳақида тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, айна ҳужжатда қайд этилган вазифаларнинг тумандаги ижросига оид масалалар муҳокама қилиниб, манзилли чоралар белгилаб олинди.

2024-12-04 16:00:12